

«Албатта, куфр келтирганлар, уларни огоҳлантирсанг ҳам ёки огоҳлантирмасанг ҳам, уларга барибир, иймон келтирмаслар», дейилган (6-оят).

Яъни қўрқитсанг ҳам, қўрқитмасанг ҳам, кофирларга фойдаси йўқ, улар барибир иймон келтирмайдилар. Булар Аллоҳнинг тавҳидини инкор қилганлардир.

2. Жухуд (билиб туриб инкор қилиш) куфри.

Бу хилдаги куфрда қалби ила идрок қилса ҳам, тили билан иқрор бўлиб тан олмайди. Бундай куфрнинг мисоли шайтон ва Умайя ибн Солтга ўхшаганларнинг куфридир.

Бундай кишилар ҳақида Қуръони Каримнинг Бақара сурасида марҳамат қилади:

لَبَّ قَوْمًا أُوْنَاكَوْمُوْمَعَمَامَلُّ قَدَّصُمَّهَلَلِدْنَعْنَمُّبَاتِكُمُءَاجَامَلُّ
عَنَعَلَفِوَبْأُوْرَفَكَأُوْفَرَعَامُّءَاجَامَلُّفْأُوْرَفَكَنِيْدَلِلَعَلَعَنُوْحْتَفَتْسَي
نِيْرَفَاكُلِلَعَلَل

«Бас, уларга ўзлари билган нарса келганда, унга куфр келтирдилар», дейилган (89-оят).

3. Саркашлик куфри.

Бу хилдаги куфрда қалби ила идрок қилади, тили билан иқрор бўлади ва қабул қилишдан бош тортади.

Бундай куфрга Расули Акрам алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толибнинг куфри мисол бўлади. У бошқаларнинг маломатидан қўрқиб, мусулмонликни қабул қилмаган.

4. Нифоқ куфри.

Бу куфр эгасининг дилида иймони йўқ бўлса-да, тилида иймонни даъво қилади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди